O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № ____________

# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 78 (9.116) * 1998 йил 6 июль, душанба * Сотувда эркин нархда

## Ўзбекистонда Тожикистон кунлари якунланди

***Ўтган шанба куни муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.***

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари том маънода катта байрамга айланиб кетди. Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Самарқандда бўлиб ўтган мароқли учрашувлар икки халқнинг дўстлик, қўшничилик анъаналарини ривожлантиришга интилаётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Ҳар иккала давлатнинг мустақилликка эришгандан кейин ҳаётида юз бераётган янгиликлар беҳисобдир. Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги кунлари бир-бирларининг ютуқларини ўз кўзлари билан кўриш, тажрибалар билан ўртоқлашиш имконини берди. Тожикистон делегацияси аъзоларининг республикамизнинг саноат корхоналарига, бир қатор хўжаликларга бориши ҳам бежиз эмас. Меҳмонлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари иққи мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Имомали Раҳмоновларнинг ташаббуси билан ўтказилганлигини, у икки халқнинг бир-бирига янада яқинлашганлигини таъкидладилар. Тожикистон ва Ўзбекистон санъат усталарининг биргаликда берган концертлари ушбу байрамга ўзига хос тантанаворлик бахшида этди. Чиндан ҳам санъаткорларнинг чиқишлари ҳамма ерда зўр олқишлар билан кутиб олинди.

Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг ўтиши икки халқ тарихида ўчмас из қолдирди.

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаевлар қатнашдилар.

*Сўз — қатнашчиларга*

### ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА ХАЙР, ҚАДРДОНЛАР

**Ўлмас ЖАМОЛ,
Тожикистон халқ шоири:**

— Одатда фарзанд она қучоғига талпинади. Биз ҳам худди Ўзбекистон сари бир фарзанддек ҳамиша интиламиз. Бу ердаги дўстларимизнинг дийдорини, Ўзбекистон жамолини ҳамиша соғинамиз.

Ўзбекистонда кўрганларимни мен афсоналарга қиёс этаман. Бутун мамлакат бўйлаб ҳукмрон бўлган жўшқин яратувчилик кайфияти мени лол этди. Айниқса пойтахт Тошкентда қад кўтарган ажойиб бинолар, бунёд этилган кўчалар, хиёбонларни кўриб кўз қувнайди. Уларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг йўлбошчиси Ислом Каримовнинг доно сиёсати, фидойилиги, халқни буюк яратишлар, ислоҳотлар сари етаклагани боис амалга ошириляпти. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги барқарор осойишталикнинг, бамаслаҳат иш юритишнинг меваси эканлигига амин бўлдик.

Келишга қанчалик интилган бўлсак хайрлашиш шунчалар оғир бўляпти. Лекин бизнинг қўшнилигимиз яна бирозгина фурсатдан кейин табаррук Тожикистон тупроғида дийдор кўришишимиз юракларга таскин беради.

Биз ўша учрашувларгача Тошкентдаги дийдорлашувларнинг завқи-шавқи билан яшаймиз, ижод қиламиз. Тожик тупроғида очиқ чеҳралик билан, қайноқ бағирлик билан кўришгунча хайр, қадрдонларим!

### ИЛҲОМ ЧАШМАСИ

**Вафо НАЗАРОВ,
Тожикистон халқ рассоми:**

— Ростини айтсам, бу йил Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар гал келганимда бу муаззам юртнинг янги бир нурли қиррасини кашф этиб қайтаман. Ҳар сафар юрагим илҳомларга тўлиб-қайнаб тошади.

Бу гал сафаримда Тожикистон кунларининг бош безовчи рассоми сифатида фаолият кўрсатдим. Қаерда бўлмайлик, бизга кўрсатилган чексиз эҳтиром, иззату ҳурматни кўриб қалбимизга қуёш киргандек бўлди. Худди ўз уйимизда юргандек бахтиёр эдик.

Самарқанду Бухоро, Хоразму Қашқадарё сафарларининг таассуротлари бир оламча бор. Аждодларимиздан қолган мерос шу даражада рангли, шу даражада ёрқинки унга мос сўз ҳам, бўёқ ҳам топиш мушкул.

Ўзбекистондан яна бир жаҳон илҳом билан қайтмоқдаман. Энг яхши асарларимни шу қуёшли юртга бағишлаш ниятим бор. Насиб этса Тожикистонда дийдор кўришганда шу илҳом мевалаларимни дўстларимга тақдим этаман. Демак, «Хайр, Ўзбекистон!» эмас, «Кўришгунча хайр, ўзбекистонлик азиз бинодарлар!» дейман.

*Дил тубидан*

## АБАДИЙЛИК РАМЗИ

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг очилиши муносабати билан йўлбошчимиз Ислом Каримов ажойиб бир изҳори дил қилиб, устод Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг устод Алишер Навоийга бағишланган шеърий сатрларини келтириб, гулдурос қарсаклар остида абадийлик рамзи бўлган икки халқ дўстлигини шарҳлаб бердилар:

***«Хоса ки бо боғи ошнои,
Дар шохи вафо бувад Навои...»***

Дарҳақиқат, Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги бу оташин мисралар ўн бешинчи асрдаёқ ўзбек халқининг даҳо шоирига берилган катта дўстона баҳодурки, унинг таржимаси шундай:

***«Дўстлик боғидаги махсус хушкалом,
Вафо шохидадир Навоий мудом.
Гўзал сўзлар билан наво айлагай,
Озурда дилларни даво айлагай.
Бундан бошқа ишнинг бўлмас адоси,
Жаҳонда дўстлари бўлсин фидоси...»***

Ёхуд маъруза давомида тилга олинган «Юсуф ва Зулайҳо» достонида Жомийнинг Навоийга нисбатан айтилган қуйидаги оташин мисраларини бир янгиликдек муштарийлар ҳукмига ҳавола этиш мумкин:

***«Алишери Навоийким азалдан,
Эрур машҳур ҳар шеъру ғазалдан.
Шижоат бешасида паҳлавон ул,
Али ҳам шер машҳури жаҳон ул.
Лозим деб билмадим шов-шувни элга,
Номин пинҳона олдим чунки тилга».***

Шунингдек, ҳазрати Жомий улуғ Навоий ила ўз қондошлигини ушбу тўртликда акс эттирганки, кейинчалик унга Боқий Раҳимзода ва Ғафур Ғулом ва бошқа шоирлар тазмин бағишлашган:

***«Соиле маро пурсид ажаб,
Ва фалони чи нисбат асту насаб.
Гуфтам ў турку ман тожик,
Лек дорем хешии наздик».***

Таржимаси:

***«Палончига эрурсан қандайин хеш?
Дебон мендан сўрар девона дарвеш.
Дедим тожикмену ул турки барлос,
Жудо бўлмас эту тирноққа биз хос».***

Абдуллоҳ Ҳотифий (Жомийнинг жияни) ҳазратлари ҳам Навоийни улуғлаб шундай деганлар:

***«Рустамдек шамширда, Моний қаламда,
Алишер миллатнинг фахри оламда».***

Низомиддин Алишер Навоий ҳазратларининг маърузада тилга олинган машҳур ғазали таржимасини сўзим интиҳосида муштарийларга армуғон этаман:

***Нигори турки тожиким этар юз уйни вайрона,
Эрур тожикча мижгону кўзи аммоки туркона.
Муродим шул эрур то кўзларимни зулфига сурсам,
Тараб киприкларим бирла, ёзиб зулфини ҳар ёна.
Ёқар кўнгил қуши болу парини истаса бир кеч,
У шамъ боши уза кўп чарх урар монанди парвона.
Бўлар кўксинг эшик дилда муҳаббат қасрини қурсанг,
Алифлар ёнма-ён саф тортишар гўёки дандона.
Уриб ўзни девор остига ҳар дам соее кўрсам.
Қулаб тушгай оҳим ўтидан охир сакфи кошона.
Эса хилват қоронғу пири муғон сори бор, эй шайх,
Ки бўлгай май зиёси бирла равшан кунжи майхона.
Чиқорса диндану боғлаб санам зуннор қайтарса,
Бағишлаб нақли дин олсин гуноҳим бори мастона.
Менга паймона, риндларга узат соғарда эй соқий,
Вале май хумини кўнглим учун сен айла паймона.
Насиҳатгўй Фоний ҳам хирад ойинидан чиқмиш,
Қачон бўлгай киши ақли эса ҳамдарди девона?***

Икки бобокалон шоиримиз улуғлаган дўстлик абадий яшайди!

*Олимжон БЎРИЕВ.*



Бугунги Тошкент. Ўзбекистон кўчасидаги кўркам бино.
Рашид Галиев олган сурат.

*Саноат*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

***Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони кундан кунга ортиб, улар ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулотлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда салмоқли ўринга эга бўлиб бормоқда. Шаҳримиздаги йирик корхоналардан бири «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Эльга — Азия» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.***

«Эльга — Азия» қўшма корхонаси ҳар бир хонадон учун зарур жиҳоз — электр плиталари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 20 га яқин кишини иш билан таъминлаган. Ушбу корхона Россиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган.

— Айни кунларда корхонамизда 3 турдаги «ЭП-301», «ЭП411», «ЭП43Р3» деб номланган ва 3 ва 4 камфорали электр плиталари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди директор ўринбосари Борис Михайлов. — Ойига 3 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга сифатли маҳсулот етказиб беряпмиз. Ҳозирнинг ўзида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчилари учун қурилаётган коттежлар ҳамда «Шарқ» нашриёт матбаа концерни жамоаси учун бунёд этилаётган кўп қаватли турар жой биноларига ўрнатиш учун электр плиталаримизни жўнатдик.

Қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган электр плиталарига нафақат мамлакатимизда, балки Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларида ҳам қизиқиш катта бўлмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг маълум қисмини экспорт қилиш учун Туркманистон давлати билан музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозир Россиядан тайёр қисмлар олиб келиб, маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, йил охиригача бутловчи қисмларнинг 30 фоизини қўшма корхонанинг ўзида тайёрлаш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Корхона мутахассислари янги маҳсулотлар яратиш йўлида ҳам ҳаракат қилишмоқда. Улар келгусида газ электр плиталар, электр шкафлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидалар. Чунки бозорни ўрганмаган, сифатли ва рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида изланмаган корхонанинг келажаги ҳам йўқлигини жамоа аҳли яхши тушунади. Шунинг учун ҳам бугунги барча ҳаракатлар ана шунга қаратилган.

*Шоира ИСАЕВА.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлиснинг Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитасининг йиғилишида «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятида ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг аъзолари ушбу қўмита раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида Самарқандда бўлдилар, Хортанг қишлоғидаги меъморий мажмуанинг қурилиши қандай кетаётганлиги билан танишдилар. Ташкилий қўмита аъзоларининг ушбу ташрифида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ҳам иштирок этди.
- Қўқондаги «Улуғбек» акциядорлик жамиятида маҳаллий хом ашёдан пайпоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Наманганда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри бўлган «Аёл ва жамият» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.
- Тошкент — Андижон автомобиль йўлининг тоғ ёнбағридан ўтган қисмида таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. Ўтган йили Япония ҳукумати Қамчиқ довонидаги йўлни қайта таъмирлаш учун 960 миллион иен ҳажмида грант ажратган эди. Куни кеча унинг расмий тақдимот маросими бўлди.
- Наманган шаҳрида «Намбум ЛТД» ўзбек — немис қўшма корхонаси ишлай бошлади. Корхона учун ҳозиргача 9 миллион доллар маблағ сарфланди. Бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш асосан макулатура ва пахта линти ҳисобига амалга оширилади.
- Тошкентда «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти касаба уюшмаларининг анжумани бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

- 3 июлга ўтар кечаси ўзининг дала ҳовлисида отиб ташланган Россия Давлат думасининг депутати генерал Л. Рохлин иши бўйича тергов давом этмоқда. У миясига отилган ўқдан ўлдирилган. Генералнинг рафиқаси Тамара Рохлина эрининг ўлимида дахлдорлигини тан олган. Тамара Рохлина суд-руҳий текширувидан ўтиши керак.
- Бугун Москвага ташрифи чоғида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашуви чоғида Каспий денгизининг Шимолий қисмини бўлиш тўғрисидаги шартномани, шунингдек Россия билан Қозоғистон ўртасидаги умрбод дўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши кутилмоқда.
- Марокаш пойтахтида Жаҳон божхона ташкилотининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикасининг вакиллари ҳам қатнашдилар.
- Шимолий Ирландияда Миллий ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур мамлакат Миллий ассамблеяси таркиби 108 депутатдан иборат бўлиб, унга 18 округдан вакиллар сайланди.
- НАТО Бош котиби Хавьер Солана Косоводаги албанларни тез ва мустаснавий шарт асосида Югославия Федерацияси ҳукумати билан музокараларни давом эттиришга даъват қилди.
- Халқаро валюта фонди мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириши учун Тожикистонга 128 миллион доллар кредит ажратди.
- Чеченистон Бош вазири вазифасини бажарувчи Ш. Басаев ўтган ярим йил мобайнида ўз олдига қўйган мақсадига эришолмаганлиги учун истеъфога чиқди.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

- Австрия Бош вазири расмий ташриф билан Эстонияда бўлди.
- Гонгконгда янги халқаро аэропорт фойдаланишга топширилди. Унинг қурилишига 20 миллиард доллар сарфланди.
- Камбоджанинг иккинчи Бош вазири Хун Сен инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ миссияси вакиллари эълон қилган баёнотни кескин рад этди. Мазкур баёнотда фуқаролардан сиёсий қотиллик пайтида 15 та, турли тазйиқ ва таъқиблар ҳақида 140 та шикоят келгани айтилади ва Хун Сен раҳбарлигидаги ҳукумат таҳдид ва тажовузлар уюштиришда гумон қилинади.
- Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Ароқ-шароблар ярмаркаси — 98» кўригида жаҳоннинг 17 мамлакатидан келган мутахассислар ўз маҳсулотларини «имтиҳон»дан ўтказдилар. Ушбу ярмаркада «Тошкент шароб комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳамда Ховренко номли Самарқанд шароб комбинати ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Унда Самарқанднинг «Ўзбекистон» маҳсулоти, «Самарқанд» бальзами олтин медалга, Тошкентнинг «Гулихандоз» ва «Алеатико» шароби кумуш медалга ва яна бир неча маҳсулотларимиз бронза медалига сазовор бўлди.
- Арманистоннинг машҳур «Арарат» коньяк заводлари француз фирмасига сотиб юборилди.
- Шри-Ланка ҳарбий қўшинлари билан «Тамиль Илам» — Озодлик йўлбарслари жангарилари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар оқибатида яна 266 киши ҳалок бўлди. Жанглар Манкулам шаҳри атрофида бўлди.

## ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ



Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшоми»га ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак, «Оқшом»ни шу йилнинг август ойидан олиш иштиёқида бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июлга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

| Абонент қутисига | Уй манзилига |
|---|---|
| • 1 ойга — 129 сўм | • 1 ойга — 168 сўм |
| • 3 ойга — 387 сўм | • 3 ойга — 504 сўм |

**НАШР ИНДЕКСИ — 209.**

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЯНГИЛАНАДИМИ?

***XVI жаҳон чемпионатининг чорак финал учрашувлари ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади. Зеро, ярим финалга йўлланма олган Хорватия, Голландия ва Франция терма жамоалари (Бразилия бундан мустасно) ҳали жаҳон чемпиони бўлишдек юксак шарафга эга бўлишмаган.***

Энди бевосита ўйинларга тўхталиб ўтсак. Энг кескин учрашув Франция — Италия жамоалари ўртасида ўтди, десак янглишмаймиз.

Европанинг бу икки кучли жамоаси беллашувининг асосий вақти ҳам, қўшимча 30 дақиқа ҳам 0:0 ҳисобида тугади. Фақат 11 метрликлар баҳсида французлар 4:3 ҳисобида устун келиб, ярим финалга йўлланма олишди.

Бразилияликларнинг ҳам Дания жамоасига қарши ўйинда бор куч-маҳоратларини ишга солишларига тўғри келди. Ака-ука Лауд-рупларнинг саъй-ҳаракатлари билан данияликлар иккинчи дақиқадаёқ ҳисобни очишди. Орадан кўп ўтмай Бебето жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди. Сўнг Ривальдо ва Б. Лаудруплар ҳисобни 2:2 қилишди. Фақат 60-дақиқада Ривальдонинг 22 метрлардан туриб берган аниқ зарбаси бразилияликларга ғалаба келтирди.

Аргентина — Голландия беллашувида кўпчилик аргентиналиклар ғалаба қозонса керак деб ўйлаганди. Бироқ 12-дақиқада П. Клюверт (Голландия) ҳисобни очди. Клаудио Лопес тез орада ҳисобни тенглаштиргач майдонда ҳужумкор ўйин бошланди. Фақат 90-дақиқада Д. Бергкампнинг «олтин» зарбасигина европаликларга ғалаба келтирди.

Хорват футболчилари Германия терма жамоасини 3:0 ҳисобида енгани чемпионатнинг энг катта шов-шувига айланди. Р. Ярни, Г. Влавович ва Д. Шукерларнинг уч аниқ зарбаси қўпол ва руҳсиз ўйнаган «немис машинаси»ни мажақлаб ташлади.

Энди 7 июль куни Бразилия — Голландия, 8 июлда эса Франция — Хорватия жамоалари ярим финал баҳсларини ўтказишади.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

